

Номозова Кумри Исоевна**PhD, доцент, kumrinomozova@gmail.com***Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси доценти
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси***ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАСНИФЛАШ ВА СУҒУРТАЛАШ
МАСАЛАЛАРИ****ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ И СТРАХОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ****ISSUES OF CLASSIFICATION AND INSURANCE OF BUSINESS ACTIVITIES****Аннотация**

Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятининг, ўзига хос хусусиятлари ва турлитуманлиги унинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таснифлашни талаб этиши асосланган. Бундай таснифлашнинг амалга оширилиши уни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқ рискларни суғурталашда кулайлик яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятини унинг хусусиятларидан келиб чиқиб таснифлаш амалга оширилган ва ушбу йўналишларнинг ўзига хос томонлари очиб берилган. Мақолада тадбиркорлик фаолиятини суғурталашнинг зарурлиги, афзалликлари ва суғурталашда эътибор бериш талаб этиладиган жиҳатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти соҳалари, суғурта, суғурта фаолияти, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, суғурта хатарлари, инвестицион фаолият хатарлари, тижорат кредитлари суғуртаси, интеллектуал мулк суғуртаси.

Аннотация

В данной статье обосновывается необходимость классификации предпринимательской деятельности исходя из ее специфических особенностей и разнообразия. Внедрение такой классификации облегчает ее научное и практическое изучение и страхование рисков, связанных с этой деятельностью. Исходя из этого, в данной статье классифицируется предпринимательская деятельность по ее признакам и раскрываются специфические аспекты этих сфер. В статье освещены необходимость и преимущества страхования бизнеса, а также аспекты, требующие внимания в страховании.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, направления предпринимательской деятельности, страхование, страховая деятельность, правовые основы предпринимательской деятельности, страховые риски, риски инвестиционной деятельности, страхование коммерческих кредитов, страхование интеллектуальной собственности.

Abstract

This article substantiates the need to classify entrepreneurial activity based on its specific features and diversity. The introduction of such a classification facilitates its scientific and practical study and insurance of risks associated with this activity. Based on this, this article classifies entrepreneurial activity by its characteristics and reveals specific aspects of these areas. The article highlights the need and advantages of business insurance, as well as aspects requiring attention in insurance.

Keywords. entrepreneurial activity, areas of entrepreneurial activity, insurance, insurance activities, legal basis of entrepreneurial activity, insurance risks, investment activity risks, commercial loan insurance, intellectual property insurance.

Кириш (Introduction/Введение). Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг кўплаб маърузаларида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш лозимлиги” тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган¹.

Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланишида тадбиркорлик соҳасининг муҳим аҳамият касб этиши бутун жаҳонда тан олинган, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг етакчи ва муҳим сектори ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнес маҳаллий хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринларини яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилайди. Кичик ва ўрта бизнес тармоқ ичида ва бошқа тармоқлар билан интеграцион алоқаларни кучайтиради. Тадқиқотлар аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши ва иқтисодий ривожланиш ҳам кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесга боғлиқлиги ва улар ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (Literature review, Анализ литературы). Тадбиркорлик фаолияти, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида дунё олимлари томонидан доимий равишда тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. О.Б.Зилберштейн ва бошқаларнинг тадқиқотида Россия Федерациясида ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, тармоқлар бўйича таркиби, даромад ўсиш динамикаси таҳлил қилинган. Б.Титов ўз тадқиқотида кичик ва ўрта бизнес йирик бизнеснинг ЯИМдаги улуши, кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони ундаги ишчилар сонининг жами бандликдаги улуши, кичик ва ўрта бизнеснинг турлари бўйича бандлик таркиби, товарлар айланмасидаги улуши билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й.Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»[1] китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсиш таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Вазифаси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти сазовор бўлган инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, хатти-ҳаракатларни таъминлашдир[2]. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади. Бугунги кунда тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Америкалик олим Р. Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»[3], - деб таъкидлайди. Инглиз профессори А. Хоскин эса «ишни ўз ҳисобидан олиб боровчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлади»[4], - деб изоҳлайди.

Тадқиқот мақсади ва усуллари (Research objective and methods, Цель и методы исследования). Мазкур тадқиқот ишида эмпирик таҳлил ва таққослама таҳлил усулларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси нуткидан. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты.).

Тадбиркорлик фаолияти хизмат кўрсатиш, воситачилик фаолияти, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, молиявий операциялар каби соҳаларда нисбатан самарали амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолиятининг йўналтирилганлиги, капитални киритиш объекти ва аниқ натижаларига кўра тадбиркорлик турлари фарқланади. Фаолият мақсади, тури ва йўналишларига қараб тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва консалтинг турларини ажратиш мумкин. Қайд этилган ушбу тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир тури ўз навбатида кичик турларга бўлинади. Мавжуд тадбиркорлик фаолияти турларини чизма шаклида қуйидагича ифода этиш мумкин (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлик фаолиятини таснифлаш¹

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги – истеъмолчиларга сотиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги ўз ичига хизмат кўрсатишни ҳам олади. Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, кийимларни кимёвий тозалаш, турли масалаларда маслаҳат бериш, таълим хизмати ва бошқалар шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги фаолият соҳасини танлаш тадбиркорнинг молиявий ресурслари ва шахсий мойиллиги орқали белгиланади. Дастлаб маркетинг тадқиқотлари ўтказилади, бозор ўрганилади,

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

таклиф этиладиган товарнинг қай даражада истеъмолчига зарурлиги, талабнинг даражаси ва ўзгариши, талаб даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, тахминий харажатлар ва сотиш ҳажмлари аниқланади.

Тижорат тадбиркорлиги – товар-пул муносабатлари ва савдо айирбошлаш операцияларига, яъни товар ва хизматларни қайта сотишга асосланган фаолият. Айтайлик, сизда ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун етарли ресурс бўлмаслиги мумкин. У ҳолда сиз ишлаб чиқариш ресурсларига катта эҳтиёж мавжуд бўлмайдиган, кўпроқ айланма маблағлар етакчи ўрин тутадиган тижорат тадбиркорлиги билан шуғулланишингиз мумкин. Чакана ва улгуржи савдо, турли мол-мулклар, шу жумладан кўчмас мулклар савдосида воситачилик қилиш тижорат тадбиркорлигига мисол бўла олади. Тижорат тадбиркорлигида товарнинг сотиш нархи унинг харид нархидан юқори бўлиши асосий қоида ҳисобланади. Шунга кўра, тижорат тадбиркорлигини амалга оширишдан олдин бозор ҳолати пухта таҳлил қилинади.

Молиявий тадбиркорлик – пул ва қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидир. Молиявий тадбиркорликда қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқ.), валюта қимматликлари ва миллий пуллар олди-сотди қилиниши унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунингдек, молиявий тадбиркорликни ташкил этиш учун тижорат банклари, молия-кредит компаниялари, фонд, валюта биржалари ва бошқа шу каби махсус муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш талаб қилинади.

Ҳаёт турли тасодифларга, кутилмаган ҳодисаларга тўла. Ҳар қандай киши кутилмаганда соғлиғини, табиий офат ёки бахтсиз ҳодиса туфайли мол-мулкни йўқотиши мумкин. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч кимнинг фаолият натижаси тўлиқ кафолатланмаган бўлиб, корхоналар молиявий инқирозга юз тутиши мумкин. Шундай ҳолатларда суғурта фаолиятига эҳтиёж сезилади.

Суғурта – инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, фаолияти, мол-мулки ҳамда бошқа шахслар олдидан юзага келиши мумкин бўлган жавобгарликлари, корхона ва ташкилотларнинг мулки, фаолияти ҳамда давлат, бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидан юзага келиши мумкин бўлган жавобгарликлари билан боғлиқ молиявий зарарларни қоплаш бўйича кафолат бериш ва ушбу ҳодисалар юз берганда юзага келган зарарни қоплаш фаолиятидир.

Суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг махсус тури ҳисобланади. Унга мулк суғуртаси, ҳаёт ва соғлиқнинг шахсий суғуртаси, тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси кабилар киради. Умумий ҳолда суғурта тадбиркорлигини суғурта хизматларининг олди-сотдиси сифатида тавсифлаш мумкин.

“Маслаҳат тадбиркорлиги. Маълум бир соҳада ўз мутахассислиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи кишига маслаҳатчи дейилади. Чет элларда бошқарув бўйича пулли маслаҳат консалтинг деб юритилади. Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича Европа Федерацияси Маслаҳатчилар Ассоциациясининг таърифича менежмент-консалтинг бошқарув бўйича муаммо ва имкониятларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда ҳолисона маслаҳат бериш ҳамда ёрдам кўрсатишдир” [8]. Консалтинг хизматлари бир марталик маслаҳат ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар консалтинг лойиҳа шаклида бўлиб қуйидаги асосий босқичларни қамраб олади:

- муаммоларни аниқлаш (диагностика);
- лойиҳани ишлаб чиқиш;
- лойиҳани амалга ошириш.

Тадбиркорликни ташкил этишнинг энг оддий шакли якка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шаклидир. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун “якка тартибдаги тадбиркор” сифатида давлат рўйхатидан ўтиш кифоя. Якка тартибдаги тадбиркорликнинг айрим камчиликларини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали ҳал этиш мумкин.

Оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик фаолиятидир. “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари

томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятidir. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади” [9].

Ишловчилар сони жиҳатидан микрофирмадан каттароқ бўлган кичик тадбиркорлик субъекти кичик корхонадир. “Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир” [10]. Хусусий корхона ягона мулкдор томонидан тузилади. Мулкдор хусусий корхонага тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона таъсисчиси фақат жисмоний шахс бўлади. Бу бир шахс томонидан яратилган ташкилот бўлиб, бизнес фаолияти таъсисчининг ўз мулклари асосида амалга оширилади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) — аъзолари жамият мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари қўшган улуш доирасида жавобгар бўладиган жамият. У бир ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахсларнинг келишувига кўра ташкил этилиб, юридик шахс ҳисобланади. “Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар” [11].

Акциядорлик жамияти (АЖ) – муассислар (акциядорлар)нинг ихтиёрий ҳиссалари асосида ташкил этилган бизнес юритиш шакли. “Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади” [12].

Юқорида келтирилганларнинг барчаси тадбиркорлик фаолиятининг дунё мамлакатларида кенг тарқалган ҳуқуқий шакллари бўлиб, бошқача шакллари ҳам учрайди. Мамлакатда тадбиркорлик шакллариининг қайси бирлари учун ҳуқуқий таъминоти тўлиқ яратилган ва ўша мамлакатдаги солиқ ва бошқа шарт-шароитлар кўпроқ қулай тарзда яратилган бўлса, ушбу шакллар кўпроқ оммавийлашади. Шунини таъкидлаш керак, тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли тадбиркорнинг ўз мулки ва ўз жавобгарлигига асосланган ҳолда ташкил этилади. Бу эса тадбиркорнинг ўз фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларнинг келтириши мумкин бўлган зарарлари тўғрисида жиддий ўйлаши зарурлигини келтириб чиқаради. Албатта бундай ҳолатда узоқ даврлар давомида тараққий этиб келаётган ва ҳозирда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш кафолатини берувчи суғурта хизматларига бўлган эҳтиёж юзага келади.

Суғурта хатарлари ҳокимият, маъмурият, бошқа давлат субъектлари, шунингдек, халқ оммасидан келиб чиқадиган ҳодисалардир. Уларнинг аниқ рўйхатини белгилашда шартномада мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳолати, унинг потенциал молиявий имкониятлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилманинг ривожланиш даражаси, ялпи ички маҳсулот қиймати, ички ва ташқи қарз ҳажми ва унинг тузилиши, ўз вақтида тўланиши, мавжуд кредитлар, инфляция даражаси, суғурта объекти ва предмети, инвестициялар суммаси, инвестиция объектининг географик жойлашуви, суғурта даври ҳисобга олинади. Бу омилларнинг барчаси суғурта қопламаси миқдорида, иқтисодий мақсадга мувофиқлигига ва суғурта қилиш имкониятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Инвестицион фаолиятни тижорат хатарларидан суғурталаш, қоида тариқасида, инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилади. Бундай суғуртанинг мақсади инвестицияларни бозор шароитидаги салбий, олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлар ва тадбиркорлик фаолияти учун бошқа шартларнинг ёмонлашиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлардан ҳимоя қилишдир, яъни агар маълум муддат ўтгач, суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида, суғурталанган инвестиция ўзини оқламаса, яъни кўзда

тутилган даромадни бермаса суғурта қилдирувчига зарар учун қоплама тўлаб берилади. [13].

Инвестиция лойиҳаларини суғурталашнинг асосий муаммолари инвестиция лойиҳаларини объектив баҳолаш билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш учун рискларни суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган қийинчиликлардир. Бинобарин, амалий жиҳатдан инвестиция лойиҳаларини хавфлардан суғурта қилишни ташкил этиш мақсадида, маҳаллий суғурта компаниялари Ўзбекистонда ўз суғурта фаолиятини амалга оширишларига имконият яратиш учун сифат жиҳатидан бу муаммоларни ҳал қилиш имконини кидириб топишлари керак.

Тижорат кредитларини суғурталаш экспорт қилувчини беқарор иқтисодий шароитларда юзага келадиган ва экспортчининг барча савб-ҳаракатларига қарамай олдиндан айтиб бўлмайдиган фавқулотда молиявий хавфдан ҳимоя қилади. Ушбу суғурта тури хатарларнинг иккита асосий турини қамраб олади: иқтисодий ва сиёсий. Иқтисодий рисклар деганда импорт қилувчининг банкротлиги, унинг тўловга лаёқатсизлиги ёки тўлов мажбуриятларидан бўйин товлаши тушунилади. Сиёсий хатарларга импорт қилувчилар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишига объектив тўсқинлик қиладиган ҳодисалар киради, масалан, эмбарго, мораторий, уруш ва ҳоказо. Тижорат кредитларини суғурталашнинг моҳияти шундаки, суғурта компанияси мумкин бўлган хавфнинг маълум бир қисмини, яъни суғурта битимидан якуний зарарни ўз зиммасига олади [14]. У суғурталовчи томонидан қабул қилинган кредит муддати ва хавф улуши (одатда 60 дан 85% гача) кўрсатилган суғурталанган кредитнинг аниқ белгиланган суммаси учун суғурта полисини чиқаради. Иккинчи томондан, олинadиган суғурта мукофотининг миқдори суғурта операциялари ҳажмига, кредит шаклига, унинг муддатига, экспортчи ва ишлаб чиқарувчининг тижорат муҳотидаги мавқеига ва импорт қилувчи мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш керакки, кредитни суғурталашнинг назарий ёндашувларида асосий тамойилларнинг таниқли интеграллиги мавжуд бўлсада, унда техник тафсилотлар жуда хилма-хилдир, шунинг учун ҳозирги кунга қадар хавфнинг турли шакллари ва турларининг қатъий таснифи мавжуд эмас ва суғурта мукофотини ҳисоблашнинг қатъий тарифлари ишлаб чиқилмаган. Асосий муаммо шундаки, кредит хавфи кўплаб ўзгарувчиларнинг функциясидир: нархларнинг ўзгариши, валюта курси, умумий иқтисодий ва сиёсий шароитлар ва тадбиркорнинг ишончлилиги. Қоида тариқасида, бу омиллар ҳеч қачон бир хил тарзда бирлашмайди. Хавф миқдорини етарлича объектив аниқлашга имкон берадиган илмий усул ҳам мавжуд эмас. Илмий ҳисоблаш нуқтаи назаридан, хорижий кредитлар билан боғлиқ таваккалчилик, қатъий айтганда, суғурта объекти эмас, аммо суғурталовчи томонидан ўз мижозларининг (кредиторлар ҳам, қарздорлар ҳам) тижорат ва молиявий ҳолатини батафсил ва синчковлик билан ўрганиш суғурта қилиш имкониятини яратишга имкон беради.

Тижорат кредитларини суғурталаш корхоналарнинг экспорт имкониятларини бир неча бор оширади. Шу билан бирга, ушбу суғурта ташқи савдо операцияларининг ишончлилигини таъминлашнинг самарали иқтисодий усули ҳисобланади. Шу билан бирга, экспорт кредитларини суғурта қилиш, қисқа вақт ичида (одатда 10-12 кун) потенциал шерикнинг тўлов қобилиятини текшириши ва кредит лимитини аниқлаши мумкин бўлган турли хорижий компаниялар билан кенг ҳамкорлик қилишга асосланади. Одатда суғурталовчи, экспортчи келажакда суғурта шартномасини тузадими ёки йўқми, бундай тадқиқотни ўтказди. Шундай қилиб, суғурта компанияси экспортчига потенциал шерикнинг тўлов қобилиятини баҳолашда муҳим ва жуда қимматли хизматни тақдим этади.

Харидорнинг товар ёки хизмат учун тўловни амалга оширмаслиги хавфини суғурталашда суғурталанувчининг зарарларда ўз иштироки (франшиза қўллаш орқали) таъминланади, бу суғурта суммасининг фоизи сифатида ифодаланади (одатда 20-30% даражасида белгиланади). Ушбу суғурта турининг қабул қилинган амалиётига кўра, полис

эгаси эҳтиёткорлик билан ва ўз ҳисобидан йўқотишларнинг олдини олиш ёки камайтириш учун барча чораларни кўриши, хусусан, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва кредит учун максимал даражада кафолат олиши шарт. Суғурта қилдирувчи, шунингдек, суғурта компаниясига, суғурталовчининг фикрига кўра, молиявий тўловга лаёқатсизлик далилини аниқлаш ва зарар миқдорини баҳолаш учун мумкин ва зарур бўлган барча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган суғурта мукофоти суғурта қилдирувчининг барча контрагентлари билан бўладиган умумий экспорт айланмаси асосида ҳисобланадиган суғурта суммалари асосида ҳисобланади. Ҳар йилнинг бошида суғурталовчи суғурта суммасининг қийматидан келиб чиққан ҳолда, тариф асосида ҳисобланадиган суғурта мукофотининг ойлик тўловларига тенг миқдорда аванс тўловини амалга оширади. Шундай қилиб, экспорт кредитларини турли хатарлардан суғурталаш, кредит рискин аҳамиятсиз миқдорларга камайитиришнинг асосий усулларида бири сифатида сўнгги йилларда янги асос ва ривожланишга эга бўлди. Бундан ташқари, кредит суғуртаси экспортчилар ва импортчилар ўртасида тобора кўпроқ тижорат ва молия соҳасининг рағбатлантирувчисига айланиб бормоқда, чунки миждознинг ёмон ниятлари савдо битимини амалга оширишда енгиб бўлмайдиган тўсиқдир.

Аксарият мамлакатлар учун интеллектуал мулк соҳаси иқтисодий ривожланишнинг асосий салоҳияти ҳисобланади. Дунёдаги иқтисодий ўсиш омилларининг тўртдан уч қисми бугунги кунда илмий-техник тараққиёт ютуқларига асосланади. Интеллектуал мулк объектларининг халқаро савдоси ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўзларининг интеллектуал мулкларидан бошқалар томонидан ноқонуний фойдаланилиши натижасида катта йўқотишларга дуч келмоқдалар. Шу муносабат билан зарарни қоплаш зарурати пайдо бўлмоқда. Бундай шароитда давлат ҳокимияти томонидан интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланишга қарши чораларни кучайтиришда сифат жиҳатидан янги усулга ўтишга эҳтиёж бор. Бундай вазиятда ушбу мақсадларда суғурта интеллектуал мулк эгаларини мумкин бўлган йўқотишлардан ҳимоя қилиш шакли сифатида долзарб бўлиб қолади.

Интеллектуал мулкни суғурталаш деганда суғурта объекти интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, улардан фойдаланиш ёки айирбошлаш, шунингдек интеллектуал мулк бозорида консалтинг ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган суғурта турлари мажмуи тушунилади. Шуни таъкидлаш керакки, интеллектуал мулк суғуртаси - бу молиявий рискларни суғурталаш, жавобгарликни суғурталаш ва баъзи ҳолларда шахсий суғуртани ўз ичига олган мураккаб суғурта туридир[15]. Интеллектуал мулк суғуртаси Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги қонуни асосида амалга оширилади.

Хавфнинг юзага келиш эҳтимолига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар, қоидага кўра, ИМО ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг техник даражасини; ишлаб чиқариш хусусиятларини (оммавий, серияли, кичик ўлчамли, парча); лицензияланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мураккаблик даражасини; ИМО ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги маълумотларни (патентловчи мамлакат, лицензияларнинг мавжудлиги ва бошқалар.); ИМОнинг патент софлигини, патент тадқиқотларини амалга ошириш харажатларини; компанияда юридик хизмат мавжудлигини; компания ҳудудий диверсификациясини (ички, ташқи бозор); миждозлар диверсификациясини (потенциал миждозлар ҳақида маълумотлар); компания катталигини ўз ичига олади.

Россияда Интеллектуал мулк объекти (ИМО)ни яратиш, ундан фойдаланиш ва айланмаси билан боғлиқ рискларни суғурталаш қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш бўйича биринчи қадамлар фақат 2000 йилнинг бошида амалга оширила бошланган. Масалан, "ГУТА-Страхование" суғурта компанияси 2000 йил декабр ойида ИМО ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ хавфларни суғурталаш учун лицензия олган. «Интер-полис» суғурта агентлиги ИМО ҳуқуқлари эгасининг ҳамкорлар томонидан ўз

мажбуриятларини бажармаслигидан суғурталаш махсулотини ишлаб чиққан [16]. Умуман олганда, замонавий шароитда рус суғурталовчилари томонидан энг фаол фойдаланиладиган бизнес рискларини суғурталашнинг асосий турларини таҳлил қилиш натижасида ушбу суғурта, бир томондан, такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга, бошқа томондан, йўқотишларни қоплашга қодир деган хулосага келиш мумкин ва бу ўз ўрнида уларнинг тўлов қобилиятини таъминлайди.

Хулоса (Conclusion, Заключение).

Суғурта бозорини ривожлантиришга эришишнинг асосий омилларидан бири, потенциал суғурталанувчиларда суғурта компанияларига бўлган ишончни таъминлашдир [17]. Ҳақиқатдан ҳам ушбу масала мамлакатимиз суғурта бозорининг асосий муаммоларидан бири бўлиб турибди. Ушбу муаммонинг сақланиб қолаётганлиги кўп сонли тадбиркорлик субъектларининг мавжуд рисклари суғурталанмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Тадбиркорлик соҳаси Ўзбекистонда тобора етакчи кучга айланиб бормоқда. Яратилаётган ялпи ички махсулотда тадбиркорларнинг улуши 60 фоизга яқинлашди. Бу ўз ўрнида суғурта бозори учун катта потенциал манба. Ушбу манбадан самарали фойдаланиш учун суғурта компаниялари тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни чуқур ўрганишлари ва шу асосда тадбиркорларга ҳар жиҳатдан мос келадиган суғурта махсулотларини ишлаб чиқишлари зарур. Энг муҳими, тузилган суғурта шартномаларида кўзда тутилган суғурта ходисалари юз берганда оператив тарзда ва ҳолисона баҳолаб, тўловларни амалга оширишнинг замонавий тизимларини йўлга қўйишлари мамлакатда тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши ва ўз ўрнида суғурта хизматларининг кенгайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Й.Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси».
2. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. \ «Мировая экономика и международные отношения», 1989. № 12.
3. Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. – М., 1991.
1. Хоскин А. Курс предпринимательства. –М., 1993. - с. 23.
2. https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en/
3. М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. – 256 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сон Қонуни, 3-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисидаи ЎРҚ-558- II-сон Қонуни, 3-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ЎРҚ-310- II-сон Қонуни Дониё, 3-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонуни, 3-модда.
8. Андреева Е. В. Страхование предпринимательства: курс лекций / Е. В. Андреева. — Иркутск : Изд-во БГУЭП, 2008. - 60 б.
9. Бахматов С. А. Маркетинг в деятельности страховой организации / С. А. Бахматов, Т. В. Колесникова. — Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2011. - 166 б.
10. Никитин Т. В. Страхование коммерческих и финансовых рисков / Т. В. Никитин. — СПб. : Питер, 2002. - 240 с.
11. Годин А. М. Страхование: учебник / А. М. Годин, С. В. Фрумина. - М.: Дашков и К., 2009. - 480 б.
12. Qo‘ldoshev, Q. (2023). Sug‘urta bozori infratuzilmasini rivojlantirish yo‘llari. Страховой рынок Узбекистана, 1(1), 25–28. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/13>